

## САЙЛОВ ХУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7772139>



ELSEVIER



Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

**Ф.Тахиров**

Ўзбекистон республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жиноий-  
ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори ю.ф.д., проф



**Abstract:** мақолада Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда сайлов тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, сайлов ҳуқуқининг конституциявий принциплари, хорижий давлатларда сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари, сайлов ҳуқуқининг халқаро ва миллий қонунчилиги илмий-назарий таҳлил этилган.

**Keywords:** сайлов, сайлов ҳуқуқи, сайлов тизими, ислохотлар, принциплар, конституция.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

## КОНСТИТУЦИОННЫЕ ПРИНЦИПЫ ИЗБИРАТЕЛЬНОГО ПРАВА: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

**Ф.Тахиров**

Профессор кафедры уголовно-правовых наук Университета общественной безопасности Республики Узбекистан,  
профессор



Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** в статье научно обоснованы и теоретически проанализированы реформы избирательной системы, осуществленные в последние годы в республике Узбекистан, конституционные принципы избирательного права, особенности избирательной системы зарубежных стран, международное и национальное законодательство об избирательном праве.

**Keywords:** выборы, избирательное право, избирательная система, реформы, принципы, конституция.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

## CONSTITUTIONAL PRINCIPLES OF SUFFRAGE: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL LEGISLATION

**F. Takhirov**

Professor of the Department of Criminal Law Sciences of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan,  
Professor



Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** The article scientifically substantiates and theoretically analyzes the reforms of the electoral system carried out in recent years in the Republic of Uzbekistan, the constitutional principles of the electoral law, the features of the electoral system of foreign countries, international and national legislation on electoral law.

**Keywords:** elections, suffrage, electoral system, reforms, principles, constitution.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Мамлакатимиз ҳозирги замон сайлов тизими халқ ҳокимиятини яққол намоён қиладиган муҳим конституциявий институтдир. Ўзбекистон сайлов тизими эркин демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро сайлов андозалари мажмуини ташкил этувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида таъкидланганидек, юртимизда “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги” [1] тан олинади.

Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва Конституциямизда мустаҳкамланган энг муҳим ҳуқуқлардандир.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳуқумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда алоҳида таъкидланган. Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлат қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганига баҳо бериш мумкин.

Демократиянинг ушбу энг муҳим тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, ҳуқуқий асос яратиб берилиши лозим. Ўзбекистонда буларнинг барчаси яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида сайловларга доир умумэтироф этилган демократик халқаро тамойил ва қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Сайлов тизими – фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқлари мустаҳкамланган ҳуқуқий пойдевор. Сайлов тизими дейилганда сайлов ҳуқуқи нормалари тизими, яъни асосий принциплар, тизимлар, тартиблар, жараёнлар ва сайловни ташкил қилиш кафолатлари тушунилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сайлов тизимининг асосий принциплари сайлов ҳуқуқи асосий принциплари шаклида Конституцияда, аксарият ҳолларда эса сайловлар ҳақидаги махсус қонунларда мустаҳкамлаб қўйилади. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси икки – актив ва пассив сайлов ҳуқуқига ҳам

бўлинади. Фуқаронинг сайлаб қўйиладиган органларни тузишда қатнашиш ҳуқуқи унинг актив сайлов ҳуқуқи ҳисобланади. Сайлаб қўйиладиган органлар таркибига фуқаронинг сайланишга бўлган ҳуқуқи эса унинг пассив сайлов ҳуқуқидир.

Жумладан, ҳуқуқий белгиларига кўра сайлов тизими принциплари императив ва диспозитив турларга бўлиш мумкин. Бу ерда коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик принциплари императив белгиларга эга, улардан фарқли ўлароқ адолат принципи диспозитив белгиларга эга. Яъни, императив принциплар сайлов жараёни ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришда аниқ, муайян талаблар қўйса, диспозитив принциплар эса кўпроқ декларатив хусусиятга эга бўлиб, ички эътиқод ва виждонга мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етган барча фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар[1]. Ёш чегараси турли давлатларда турлича белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан қуйидагича норма ўрин олган: “Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди”.

Ушбу норма фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг аниқ чегарасини белгилайди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклашнинг бошқа ҳар қандай шакллари истисно этади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигини демократлаштириш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклашни либераллаштириш соҳасини ҳам четлаб ўтмади.

Хусусан, 2019 йилгача Конституцияга биноан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланишлари мумкин эмас ва сайловда қатнашолмас эди. Бу борада “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қонунга биноан

факатгина оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларгина сайловда иштирок этолмаслиги белгиланди.

Шу билан бирга, Сайлов кодексига биноан, бир қатор шахсларнинг пассив сайлов ҳуқуқлари ҳам чекланган. Жумладан, қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди. Содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар. Сайланиш учун ҳам бир қанча талаблар мавжуд. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи Конституциядир. Бошқа қонун ҳужжатлари эса, шу конституциявий асосдан келиб чиқиб қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқи Конституциямизнинг 32-моддасида алоҳида мустаҳкамланган. Бунга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

Ушбу моддага асосан, давлатимиз фуқаролари Президентликка ҳамда тегишли вакиллик органида депутатликка ўзларининг номзодларини қўйишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддаси ҳам сайлов ҳуқуқига тегишли. Унда “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошқора ҳисоботлар бериб турадилар”, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, аввало, Конституцияда ва унга мувофиқ тарзда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб,

улар куйидагилардан иборат: ихтиёрийлик; яширин овоз бериш ҳуқуқи; тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи[2].

Юқорида баён этилганлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигида халқаро нормаларга мос равишда сайлов ҳуқуқининг асосий, конституциявий принциплари билан бир қаторда куйидаги умумий принциплари ҳам ўз ифодасини топган: ошкоралик; адолатлилик; умумийлик; тенглик. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонунларда мустақамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

Умумэътироф этилган қоидаларга мувофиқ, халқаро сайлов стандартлари миллий қонун ҳужжатларини унификациялаш асоси ҳисобланади. Ана шу боис халқаро сайлов стандартларидан сайлов жараёнининг барча иштирокчилари бевосита фойдаланади. Чунончи, халқаро сайлов стандартлари сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини татбиқ этиш, фуқароларнинг сайлов жараёнида ошқора иштирок этиши ва сайлов жараёнини ташкил этиш учун етарли шарт-шароитларни таъминлашни зарурат қилиб қўяди.

Халқаро сайлов стандартларининг ўзига хос жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, халқаро сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёнига тааллуқли бўлган халқаро стандартлар (халқаро сайлов стандартлари) давлат органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан ёки фуқароларнинг хоҳиш-иродасини билдиришни таъминлаш орқали амалга оширилади;

иккинчидан, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, кўппартиявийлик ва мафқуралар хилма-хиллиги, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги ва уларнинг жадал ривожланиши, демократик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари ҳисобланади;

учинчидан, халқаро сайлов стандартлари сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан овоз беришни ташкиллаштириш ва овозларни санаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижалари устидан судга ҳамда бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш, сайлов натижаларини эълон қилишдек сайловнинг муҳим жиҳатларини одилона халқаро кузатиш орқали амалга оширилади.

Сайлов жараёнида кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу сайлов жараёни очиклиги ва ошқоралигининг энг муҳим шартларидан биридир. Ж.Содиқов таъкидлаганидек:

“Сайловларни кузатиш шунчаки техник қоида эмас, у инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга бевосита кўмаклашади”[3]. Бу борада Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик кузатувини (назоратини) амалга ошириш учун тегишли қафолатлар кўзда тутилган.

Сўнги ўн йилликларда қатор муҳим халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Улар биргаликда халқаро сайлов стандартларини ташкил этади. Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларини ҳисобга олмасдан миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва сайловларни ўтказиш мумкин эмас. Халқаро сайлов стандартлари бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг асосийлари жумласига қуйидагилар киради: а) Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган); б) 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (унга доир 1-баённома билан бирга); в) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (БМТ, 1966 йил 16 декабрь); г) ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген Кенгашининг ҳужжати (Копенгаген, 1990 йил 29 июнь); д) 1994 йилдаги Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация; е) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқи ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги Конвенция (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) ва бошқалар[4].

Кўриниб турибдики халқаро ҳужжатлар универсал ва минтақавий сайлов стандартлар характерига эга.

Маълумки, демократик, эркин, адолатли сайловларни ўтказиш мезонлари ва стандартлари БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида акс эттирилган. Сайлов ҳуқуқи БМТ нинг бир қатор универсал халқаро ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида шундай дейилади: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси ҳуқумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим”.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасидан қуйидагича норма ўрин олган: “Ҳар бир фуқаро 2-моддада

эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз куйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак: а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш; б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш”.

Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенциянинг 5-моддасида сиёсий ҳуқуқлар, шу жумладан, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида сайловда қатнашиш-овоз бериш ва ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқи, мамлакат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, ҳар қандай даражадаги давлат ишларига раҳбарликда бўлганидек, худди шунингдек давлат хизматига тепша-тенг кириш ҳуқуқига нисбатан барчанинг қонун олдида тенг ҳуқуқлигини таъминлаш назарда тутилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 7-моддасида шундай дейилган: “Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида куйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар: а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш”.

Юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга шартномалардан ташқари, халқаро ташкилотлар сайлов масалалари бўйича тавсиявий характерга эга қоидаларни ҳам ишлаб чиққанлар, улар одатда “юмшоқ халқаро ҳуқуқ”, деб номланади. Гарчи, ушбу ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмаса-да, улар ташкилотлар аъзолари орасида маълум нормаларни қўллаб-қувватлашнинг юқори даражасини кўрсатади.

Масалан, дунё мамлакатлари парламентларини бирлаштирувчи Парламентлараро иттифоқ 1994 йилда Адолатли ва ҳалол сайлов мезонлари тўғрисидаги декларацияни қабул қилди.

Европа Кенгаши шафелигида ташкил этилган Ҳуқуқ орқали демократия бўйича Европа комиссияси (Венеция комиссияси) сайловга оид бир қатор раҳбарий кўрсатма ва ҳужжатларни, жумладан, 2002 йилда Сайловларни ўтказиш учун тавсиявий нормалар тўпламини ишлаб чиқди[5].

ЕХХТнинг демократик сайловлар ўтказиш бўйича асосий стандартлари ЕХХКнинг Инсон мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген йиғилиши ҳужжатида мустаҳкамланган. Мазкур ҳужжатда демократик сайловларга тааллуқли бўлган куйидаги талаблар ва стандартлар ўз ифодасини топган.

Иштирокчи давлатлар инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни тўлиқ ифодалаш учун мутлақо зарур бўлган ва барча инсонлардан тенг ва ажралмас бўлган адолат элементлари қаторига сайловчиларнинг ўз вакиллари тинчликда эркин фикр билдиришларини таъминлайдиган шароитларда яширин овоз бериш ёки эркин овоз беришнинг тенг тартиб-таомиллари орқали оқилона вақт оралиғида ўтказиладиган эркин сайловлар киришини белгилаган.

Иштирокчи давлатлар даврий ва ҳаққоний сайловлар жараёнида эркин ва ҳалол ифода этилган халқ иродаси ҳар қандай ҳукуматнинг куч ва қонунийлиги асосидир, деб таъкидлайдилар. Иштирокчи-давлатлар ўз фуқароларининг мамлакатни бошқаришда бевосита ёки адолатли сайлов жараёнида эркин сайланган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

Халқнинг хоҳиш-иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирокчи давлатлар:

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эркин сайловлар ўтказиш;

миллий қонун чиқарувчи органнинг ҳеч бўлмаганда битта палатасидаги барча мандатларга умумий сайловларда номзодлар ўртасида эркин рақобат бўлишига йўл қўйиш;

вояга этган фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлаш;

овоз бериш яширин тарзда ўтказилишини ёки унга тенг келадиган эркин овоз бериш тартиби қўлланишини, овозларни санаш ва ҳисобот беришнинг адолатли бўлишини ва расмий натижалар эълон қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг шахсий ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотларнинг вакиллари сифатида сиёсий ёки давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва бошқа бир қатор мажбуриятларни оладилар[5].

Юқоридаги ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда, ЕХХТнинг сайлов принциплари қуйидагилардан иборат этиб белгиланган: умумийлик, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, яширинлик, очиқлик ва ҳисобдорлик. Шунингдек, БМТнинг фундаментал инсон ҳуқуқ ва эркинликлари асосида сайлов ҳуқуқининг қуйидаги тамойиллари шакллантирилган: умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайлаш. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги мазкур тамойилларнинг барчасини ўз ичига олган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда сайлов қонунчилиги замонавий халқаро сайлов стандартлари билан узвий боғланган бўлиб, ўзаро мутаносиб равишда такомиллашиб бормоқда.



Тенг сайлов ҳуқуқи бу қонун асосида сайловчиларнинг сайлов натижаларига таъсир қилишида тенг имкониятлар яратилиши ҳамда қонун-қоидаларига мувофиқ сайланишда бир хил имкониятлар яратилганлигидир. Сайлов ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда тенг ҳисобланади: ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиши, одатда, сайловчилар бир овозга эга бўлишади, бироқ икки ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин (мисол учун, Германияда қўйи палатанинг сайловларида бир овозни партия рўйхати учун, иккинчисини эса аниқ номзод учун беришади); мамлакатда ягона сайлов корпуси бўлиши; депутат тенг сонли истиқомат қилувчилар ёки сайловчилар томонидан сайланиши (кўпгина давлатларда сайлов округлари аҳолисининг сони, истиқомат қилувчилар ёки сайловчилар сонига қараб ҳисобланади), кўп мандатли округларда мандат ва сайловчиларнинг пропорциясига риоя қилиш лозим, ягона умумдавлат округида ягона квота амал қилиши лозим; қонунда номзодларни қўйишга бўлган бир хил талабларнинг ўрнатилиши, уларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориши ҳамда сайлов натижаларини аниқлаш.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи ҳар бир фуқаро сайловда тенг асосларда иштирок этишга ҳақлилигини ҳамда ҳар бир овоз бир хил кучга эга эканлигини англатади. Тенг сайлов ҳуқуқи Конституциянинг 18, 46, 117-моддаларида, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун 3, 4, 6, 8, 18, 19-моддаларида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 1-3-моддаларида тўлиқ акс этган.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг давлат органларидаги ўз вакиллари ва алоҳида мансабдор шахсларни (мисол учун Президентни) бевосита сайлашга қаратилган ҳуқуқи ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бевосита фуқаролар томонидан сайланишини, бошқача айтганда, фуқароларнинг овоз беришда бевосита, ҳеч қандай қўшимча воситаларсиз иштирок этишини англатади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддаси ўз ифодасини топган.

Сайлов ўтказиш мажбурийлиги ва даврийлиги сайланадиган лавозимлар муайян муддатни назарда тутишини, бу эса, ўз навбатида, сайлов ўтказиш борасида даврийлик ва мажбурийлик мавжудлигини англатади. БМТ томонидан 2005 йил 27 октябрда қабул қилинган Сайловни халқаро қўзатиш принципларининг декларациясида мустаҳкамлаб қўйилганидек,

фуқароларнинг даврий чинакам демократик сайлов мобайнида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларидир ва улар қатор асосий ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилишини талаб этади.

Бундан ташқари, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, яширин овоз бериш принципи ҳар бир овоз берувчига танлаш ва овоз бериш эркинлиги берилишини, шунингдек овоз берувчи кимга овоз берганлиги ёки кимга овоз бермоқчи эканлиги ошқор қилинмаслигини англатади.

Бунда бирон-бир овоз берувчи на судда, на бошқа тарзда у кимга овоз берганлиги ёки овоз бермоқчи эканлигини эълон қилишига мажбур қилинмаслиги ҳамда ҳеч ким овоз берувчилардан улар қандай овоз берганлиги ёки бериши ҳақидаги маълумотларни бевосита ёки билвосита олишга ҳаракат қилмаслиги лозим.

Яширин овоз беришда сайловчи бошқаларга маълум қилмасдан сайлов бюллетенини тўлдириш орқали, сайлов ускунасидан фойдаланиш билан (АҚШ, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар), сайловчининг электрон карточкаси ёрдамида (Бразилия ва Қозоғистонда) ўз овозини бериши мумкин. Яширин овоз беришни бузиш қонунга мувофиқ таъқиб қилинади. Ҳеч ким сайловчи қандай овоз берганлиги тўғрисидаги маълумотни талаб қилишга ҳақли эмас.

Мазкур қоидалар тўлиқ имплементациясини Конституцияснинг 117-моддаси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 1, 3-моддаларида кўришимиз мумкин.

Давлатнинг сиёсий бетарафлиги принципи сайловлар мустақил сайлов органи томонидан халқаро стандартларга ва амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ ўтказилиши ҳамда сайлов жараёнига бошқа давлат органларининг аралашishiга, ҳар қандай маъмурий ресурслардан фойдаланишга йўл қўйилмаслигини англатади. Бу принцип Конституциянинг 12, 117-моддаларида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 7, 20-моддаларида мустаҳкамланган.

Мазкур ҳужжатларда фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкилотчи ҳисобланиши, ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашishiга йўл қўйилмаслиги, сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилиши ва айбдорлар жазоланиши каби нормалар мустаҳкамланиб қўйилган.

Эркин рақобат принципи мазмунига кўра, бутун сайлов кампанияси сайлов субъектлари, номзодларнинг эркин, тенг рақобати тамойилларига таянади, бунда сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига риоя қилинади, сайловолди ташвиқоти барча шаклларида, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан, сайловчилар билан учрашув ва мажлислардан ва бошқа шакллардан фойдаланилади, шунингдек сайлов кампанияси иштирокчиларига ҳар қандай таъсир кўрсатиш ҳамда қандайдир имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланади.

Овозларнинг ҳаққоний ва тўғри санаб чиқилиши принципнинг мазмунига асосан сайловда овозларни санаб чиқиш сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига, шунингдек ҳаққонийлик, холислик тамойилларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ҳар қандай кўринишдаги субъективлик, сохталаштиришга йўл қўйилмайди.

Сайлов жараёнларининг очиқлиги ва ошкоралиги, миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши принципи бутун сайлов кампаниясининг шаффофлиги ва транспарентлигини таъминлаш, жамоатчиликни ўз вақтида унинг босқичлари ҳақида хабардор қилиш, Оммавий ахборот воситаларининг сайлов боришини эркин ёритиши, сайловда сиёсий партиялар ваколатли вакиллариининг, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этишини англатади.

Миллий сайлов қонунчилигимиз Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг (154-сессиясида Париж 1994 йил 26 март) қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация, ЕХҲТ/ДИИХБнинг Сайловларни кузатиш бўйича қўлланмаси (Варшава, 1999 йил апрель), МДҲда иштирок этувчи давлатлар Парламент Ассамблеясининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари учун сайлов ва референдумларни кузатиш бўйича тавсиялари (Санкт-Петербург, 2004 йил 4 декабрь) каби халқаро ҳужжатлар нормаларига тўлиқ мувофиқ келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Сайланган номзодларнинг лавозимига киришиши ва мансабида ваколатлари тугатилгунга қадар қолиши кафолатлари принципи қонунчиликка асосан сайланган шахслар ўз вазифаларини бажаришга вақтида киришиши ҳамда шу лавозимда ваколат муддати тугагунга қадар қолиши учун давлат томонидан барча зарур шарт-шароитлар яратилиши шартлигини назарда тутади.

Қоидабузарликлар устидан шикоят қилиш имконияти ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик принципи сайлов субъектларига, номзодларга ва сайловчиларга сайлов органи ва сайловни бошқарадиган бошқа органлар томонидан қабул қилинган қарорлар устидан

қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш имкониятини таъминлашни тақозо этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 26 июндаги “Сайлов кодекси”ни 8-моддасида таъкидланишича, “Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Сайлов комиссияларининг мажлислари очик ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга[6].

Агар қиёсласак, кўпгина мамлакатларда бизни Марказий сайлов комиссиямизга ўхшаш комиссиялар мавжуд. Лекин, бу комиссияларни шакллантириш тартибини ўрганадиган бўлсак, уларни ҳаммасида ҳар хил ёндашувни кўрамиз. Яъни, ижро этувчи ҳокимият, Президентни бу жараёнга таъсири мавжуд. Буюк Британия, Дания каби давлатларда сайловларни ташкил этувчи ва ўтказувчи ягона, марказлаштирилган органлар тизими мавжуд эмас. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш айрим бошқа давлат органларига, яъни Франция ва Австрияда ички ишлар вазирлиги, Японияда ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги, Данияда ички ва ижтимоий ишлар вазирлиги, Финляндияда эса Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Аксарият давлатларда сайлов комиссиялари давлат раҳбари ёки бошқа ижроия органлари томонидан шакллантирилади. Хусусан, АҚШда саккиз аъзодан иборат бўлган Сайловлар бўйича федерал комиссиянинг 6 аъзоси Президент томонидан, Германияда сайловлар бўйича федерал раҳбар ва унинг ўринбосарлари Федерал ички ишлар вазирлиги томонидан, Японияда Марказий сайлов комиссиясининг барча олтига аъзоси Бош вазир томонидан, Швецияда Марказий сайлов бошқармасининг таркиби ҳукумат томонидан шакллантирилади. Масалан, бизнинг яқин кўшнилариимиз Қозоғистонда Марказий сайлов комиссиясининг олтига аъзосидан иккитаси ва раиси Президент томонидан, иккитаси Сенат томонидан, иккитаси парламент Мажилиси томонидан тайинланади, Россияда Марказий сайлов комиссияси ўн бешта аъзодан иборат бўлиб, улардан бештаси РФ Президенти, бештаси Федерация Кенгаши, қолган бештаси Давлат Думаси томонидан ташкил этилади, Беларусияда эса ўн икки аъзодан иборат бўлган Марказий комиссиянинг олтига аъзоси Беларусь Республикаси Президенти томонидан ва яна қолган отитаси Республика Кенгаши томонидан сайланади[7].

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон сайлов тизимини келажакда янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда эътиборга олишга молик бўлган жиҳатлари орасида ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётининг айрим жиҳатларини янада ислох қилиш, миллий сайлов тизимига давр билан ҳамнафас равишда кўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш, бунинг учун хорижий тажрибани янада чуқурроқ ўрганиш лозимдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. 2014. - Б.3.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги 414-ХП-сонли Қонуни. <https://lex.uz/acts/111838>
3. Содиков Ж. Кузатувчилар - сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2004 № 4 (24). Б. 53.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси жорий архиви, 2015 йил.
5. <https://pravacheloveka.uz/uz/news/saylov-togrisidagi-xalqaro-standartlar-va-ozbekiston-qonunchiligi>
6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 26 июндаги “Сайлов кодекси. <https://lex.uz/docs/4386848>

7. А.Рахманов. Сайлов комиссиялари шаклланишининг демократик тизими ва унинг конституциявий мустақамланиши. Халқ сўзи газетаси. 2014 йил 31 март сони.